

**Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
ҳамда унинг тизим ташкилотлари томонидан амалга
оширилган ишлари тўғрисида**

МАЪЛУМОТ

(2024 йил январ-март)

**Стандартлар ва ўлчовлар ягона birlikда бўлишини
таъминлаш бўйича давлат назорати**

Инспекцияси томонидан Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилдан рухсат олинган ҳолда **79 та** тадбиркорлик субъектида (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, савдо) **давлат назорати** ўтказилди.

Натижада текширилган **640 та** маҳсулотдан **566 таси** (88,4 фоиз) маҳсулотлари амалдаги техник регламент ва стандарт талабларига (маркировка, сақлаш шароити, даврий синовлар, сифат кўрсаткичи) **номувофиқлиги**, **833 та** ўлчаш воситаларидан **281 таси** (33,7 %) **қиёсланмаганлиги**, **31 та** **54,2 млрд сўмлик** маҳсулот **мувофиқлик сертификатисиз** реализация қилинганлиги, **30 турдаги 67 млн. сўмлик** маҳсулотлар техник регламент ва стандарт талабида белгиланган **сифат кўрсаткичларига** **номувофиқлиги** аниқланди.

Ўтказилган текширишлар натижасида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган корхоналарнинг **73 нафар** масъулларига нисбатан МЖТКнинг **212, 213** ва **214**-моддаларига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомаси расмийлаштирилиб чора кўриш учун суд идораларига киритилган.

Шунингдек, **4 235 та** корхонада профилактика тадбирлари ўтказилган. Жумладан, тадбиркорлик субъектларига соҳага оид қонунчилик талабларига қатъий риоя қилиш бўйича кўрсатма хатлар ва тарқатма материаллар юборилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ташкил этилган **43 та** назорат тадбирларида департамент ходимларининг мутахассис сифатида иштироки таъминланди. Жумладан, прокуратура органлари томонидан ташкил этилган **28 та**, Агроинспекция томонидан ташкил этилган **1 та** вабошқа органлар томонидан ташкил этилган **14 та** назорат тадбирларида назорати инспекция ходимлари иштирок этишди.

Ўлчашлар ягоналигини таъминлаш

2024 йил январь-март ҳолатига **147 361 дона** ўлчаш воситалари (шулардан **139 дона** ўлчаш воситаси яроқсиз деб топилган) метрологик текширувдан ўтказилган.

Кўрсатилган метрологик хизматлардан **122 214 дона** қиёслаш, **16 258 дона** аттестация ва **8 889 дона** калибрлаш ишларини ташкил этади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг **30 134 та** мурожаатларига асосан электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) қиёслаш ишлари амалга оширилган.

Шунингдек, **30 дона** ўлчаш воситасининг **метрологик текшируви натижалари** ва **16 турдаги** ўлчаш воситаси **турини тасдиқлаш сертификатлари эътироф этилиб** расмийлаштирилди ҳамда **50 турдаги** ўлчаш воситасининг турини тасдиқлаш мақсадида **давлат синовларидан ўтказилди**.

Мувофиқликни баҳолаш

Ўзбекистон Республикасининг Миллий сертификатлаштириш тизимида 2024 йил январь-март ойида **42 238 та** мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган, шундан **453 та** мувофиқлик сертификати **1 календарь** йилига шартнома асосида расмийлаштирилган, серияли ишлаб чиқаришга **1 577 та** мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган.

Шунингдек, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тизим ташкилоти “**UzTest**” ДМ томонидан **4 941 та** мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган, шундан **12 та** мувофиқлик сертификати **1 календарь** йилига шартнома асосида расмийлаштирилган, **488 та** тадбиркорлик субъектларига серияли ишлаб чиқаришга сертификатлар расмийлаштириб берилган.

Менежмент тизимларини жорий этиш

Жорий йил давомида **1400 та** корхонага халқаро менежмент тизимлари стандартларини жорий этиш бўйича ҳудудлар ва тармоқлар кесимида рўйхат шакллантирилиб, вилоят ҳокимликлари билан тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Маълумот учун: Қорақалпоғистон Республикаси **72 та**, Андижонда **108 та**, Бухоро **97 та**, Жиззах **81 та**, Қашқадарё **103 та**, Навоий **79 та**, Наманган

110 та, Самарқанд **100 та**, Сирдарё **72 та**, Сурхондарё **97 та**, Фарғона **110 та**, Хоразм **95 та**, Тошкент **156 та** ва Тошкент шаҳри **120 та**.

Тармоқлар кесимида: енгил саноат **482 та**, кимёсаноат **99 та**, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги **499 та**, қурилиш **199 та**, электротехника **43 та**, машинасозлик ва металлургия **34 та**, чарм-поябзал **22 та**, фармацевтика **19 та** ва бошқалар **3 та**.

Ҳисобот даврида, **104 та** корхонага менежмент тизимлари жорий қилинишига кўмаклашиб, мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилди.

Маълумот учун: Қорақалпоғистон Республикаси – **6 та**, Андижон – **7 та**, Бухоро – **6 та**, Жиззах – **5 та**, Қашқадарё – **10 та**, Наманган – **13 та**, Навоий – **4 та**, Самарқанд – **16 та**, Сирдарё – **6 та**, Сурхондарё – **5 та**, Фарғона – **12 та**, Хоразм – **5 та**, Тошкент вилояти – **9 та**.

Тармоқлар кесимида: енгил саноат – **29 та**, кимё – **2 та**, қурилиш – **35 та**, машинасозлик ва металлургия – **4 та**, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги – **27 та**, фармацевтика – **1 та**, чарм-поябзал – **1 та**, электротехника – **5 та**.

Сифат менежмент тизимлари бўйича сертификатлаштириш **22 та** аккредитланган органлари томонидан амалга оширилмоқда.

Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш

GSP+ тизими орқали Европа Иттифоқига экспорт қилинадиган товарлар турини **700 та**га етказиш мақсадида, озиқ-овқат, тўқимачилик, электротехника, ўйинчоқ ва косметика маҳсулотлари учун **Европа Иттифоқи** талаблари, шунингдек, **Евро Осиё** иқтисодий иттифоқи, **Хитой** ва **Жанубий Корея**да озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун қўйилган талаблар, **Болтиқбўйи** давлатларига маҳсулот экспорт қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар ўрганилди.

Бундан ташқари, **GlobalGAP, Organic, OEKO-TEX, SEDEX, WRAP, BSCI, GOTS** каби халқаро стандартлар талаблари бўйича тўплам тайёрланди.

Ўрганилган талаблар ҳамда тайёрланган қўлланмалар ҳудудлардаги **435 та** экспортёр корхонага **етказилди** ва соҳага оид амалий ёрдамлар кўрсатилди. Ушбу корхоналар томонидан дунёнинг **8 та** мамлакатига **40 дан** ортиқ маҳсулот экспорт қилинишида **амалий ёрдамлар кўрсатилди**.

Соҳалар кесимида: стандартлаштириш бўйича – **149 та**, метрология – **43 та**, сертификатлаштириш – **88 та**, сифат менежмент тизимлари масалалари – **141 та**, қадоқлаш ва ёрлиқлаш – **18 та** ва бошқа масалалар – **23 та**.

Экспортёр корхоналарни соҳага оид имтиёзлар ва янгиликлар билан кенг таништиришда маҳаллий газеталарда **5 та** мақола чоп этилди, **8 мартаба** ТВ ва маҳаллий радио каналларда, **20**

маротаба ижтимоий тармоқ саҳифаларида чиқишлар қилинди, **4 маротаба** семинар-тренинглар ўтказилди.

Шунингдек, миллий маҳсулотларни **Европа Иттифоқида** мувофиқлигини баҳолаш ва сертификатлаштириш мақсадида, “Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази” давлат муассасаси ва **Чехиянинг** “Прага қурилиш маҳсулотларининг техник ва синов институти” давлат корхонаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик **меморандуми** имзоланди.